

# **АМИР ТЕМУРНИНГ САРКАРДАЛИК МАҲОРАТИНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЖАНГОВАР РУХИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

## **ЗНАЧЕНИЕ ПОЛКОВОДЧЕСКОГО ИСКУССТВА АМИРА ТЕМУРА В ПОВЫШЕНИИ БОЕВОГО ДУХА ВОЕННОСЛУЖАЩИХ**

### **THE IMPORTANCE OF AMIR TEMURS GIRLMANSHIP IN INCREASING THE MORTAL OF MILITARY SERVANTS**

**Shoxakimov Akrom Raxmonovich**

Ўзбекистон Республикаси Qurolli Kuchlari Akademiyasi Milliy iftixor va harbiy vatanparvarlik kafedrasi katta o'qituvchisi, фалсафа фанлари доктори(PhD)

**Шоҳакимов Акром Раҳмонович**

Старший преподаватель кафедры национальной гордости и военного патриотизма  
Академии Вооружённых Сил Республики Узбекистан доктор философии по дисциплинам  
философии (PhD)

**Shoxakimov Akrom Raxmonovich**

Senior Lecturer at the Department of National Pride and Military Patriotism of the Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan Doctor of Philosophy in the disciplines of philosophy (PhD )

**Annotatsiya:** Maqlada harbiy xizmatchilarni milliy va jangovar ruhini yuksaltirishda buyuk ajdodimiz Amir Temurning vatanparvarligi, саркадалик маҳорати ularni hozirgi kundari o'rni va ahamiyati to'g'risida fikr va mulohazalar yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** qahramonlik, matonat, buyuk sarkarda, o'zaro totuvlik, qudratli, vatanparvarlik, insonparvarlik, milliy ruh, jangovar ruh, g'ayrat-shijoat, shiddatli hujum, harbiy jasorat, адолатли бошқарув, маънавий-ахлоқий фазилат.

**Аннотация:** В статье изложены мысли о патриотизме, мужестве и упорстве нашего великого предка Амира Темура, и их значении в повышении национального и боевого духа военнослужащих в современных условиях.

**Ключевые слова :** героизм, сила духа, великий лидер, гармония, могучий, патриотизм, гуманизм, национальный дух, боевой дух, энтузиазм, яростное наступление, военная доблесть, справедливое правление, духовно-нравственная добродетель.

**Abstract:** The article outlines thoughts about the patriotism, courage and perseverance of our great ancestor Amir Temur, and their significance in increasing the national and morale of military personnel in modern conditions.

**Key words:** heroism, fortitude, great leader, harmony, mighty, patriotism, humanism, national spirit, fighting spirit, enthusiasm, fierce attack, military valor, fair rule, spiritual and moral virtue.

Жаҳонда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, дунёни бўлиб ташлаш ва хукмронлик қилишга йўналган мафкуравий қурашнинг авж олиши мамлакатларнинг ҳудудий хавфсизлигини таъминлаш учун замонавий ҳарбий технологиялардан фойдалана оладиган маҳоратли ҳарбий хизматчиларни

тарбиялашни тақозо этмоқда. Уларнинг жанговар тайёргарлиги, касбий ва ижтимоий масъулиятини оширишда ҳаққоний тарихни, ўзининг жасоратини намоён этган буюк саркардаларнинг ҳарбий маҳорати ва стратегиясини ўрганишга эҳтиёж ошмоқда.

Амир Темур - ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси - 1336 йил 7 апрелда Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шахри яқинидаги Хожа Илғор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ тумани)да туғилди. Унинг тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Барқул.

XIV асрнинг иккинчи ярми XV аср Ватанимиз тарихида воқеаларга ниҳоятда бой тарихий ижтимоий сабоқ даври ҳисобланади, чунки бу даврда мўғуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқлик тугатилиб, босқинчиларнинг вайронагарчиликлари ва бир ярим асрлик зулмлари оқибатида иқтисодий, маданий-маърифий турғунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакатимиз ўз мустақиллигини қайта тиклашга киришди. Бу минтақада Амир Темур (1336-1405 йиллар) бошчилигига ягона туғ остида марказлашган, кучли ва мустақил давлат ташкил топди. Марказий Осиё халқлари ҳаётида юз берган бу тарихий жараёнда шубҳасиз Соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари буюқдир.

Бу ақлли ва билимли инсон ўз давлатининг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ҳарбий ва энг муҳим иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. Бу ислоҳотлар заминида аввалги давр донишмандларининг ақл-идроқи, ғоялари мужассам эди, айниқса, тараққиёт учун ягона давлат, ўзаро тотувлик, ишбилармонларга қулай мулкий ва ҳуқуқий шароит яратишга, айниқса савдо-сотиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Тошкент марказидаги от миниб турган Амир Темур ҳайкали нафақат Ўзбекистон халқи, балки ҳар бир сайёҳларнинг тафаккурига ҳам викор,



мардлик, мақсадни кўра билишлик рамзи сифатида таъсир этади. Унинг миллатимиз

тариҳидаги буюк хизматлари шундаки, у қадимий ва муқаддас Ватанимизни мўғул босқинчиларидан халос этиб, тарқоқ бўлиб ётган миллатни бирлаштирган, ўзаро жанжалларга барҳам берган. Юртда осойишталик ўрнатган, қисқа фурсат ичида курраи замин тан олган улкан ва қудратли давлатни барпо қилган. Тариҳдан маълумки, соҳибқирон Амир Темур, энг аввало, ўз давлатининг сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга ва уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди<sup>1</sup>. Бу борада у ўзидан олдин ўтган Хоразмшоҳларнинг мўғул босқинчиларига қарши курашиш ва уларни Ватандан сиқиб чиқариш, Ватани озод қилиш каби ишларини давом эттириди. Аниқроғи, “бу даврда ўзаро уруш-қирғинлардан боши чиқмаган майда, тарқоқ давлатлар бирлаштирилиб, ягона, қудратли давлат барпо этиб, унинг барча сарҳадларини ҳимоя қилиш, кўриқлаш ва мустаҳкамлаш каби улуғ ғоя ва ишлар амалга оширилди”<sup>2</sup>. Бунда Амир Темурнинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик қараашлари унинг бошқарувида устувор бўлгани, бу ёндашув эса, ўз навбатида миллий ва жанговар руҳни юксалтиришда муҳим омил эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Амир Темур бутун фаолияти давомида ўзини атоқли ҳарбий ташкилотчи ва буюк саркарда сифатида намоён қилди. У интизомли кўшин тузишга, уни моҳир кўмондонлар билан таъминлашга, жанг чоғида қисмларни санъаткорона бошқаришга, муҳораба тақдирини ҳал этувчи жойларга кўмак кучларини ўз вақтида усталик билан йўллашга, олдида турган барча тўсиқлардан хушёrlиги ва тадбиркорлиги боис енгиб ўтган. Душманнинг мудофаасини турли хилдаги усул ва ҳийалар



<sup>1</sup> Шоҳакимов А.Р. Ҳарбий хизматчиларда милли йруҳни юксалтириш омиллари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2022.

Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ, 2018. 97-бет.

натижасида яксон қилишга эришган. “Мамлакатларнинг марказий ва йирик шаҳарларига қўққисдан кучли зарба бериш, мустаҳкам иншоотларга эга бўлган қалъа, қўрғон ва ҳисорларни узоқ муддат қамал қилиш, ёв кучларини имкони борича кенг кўламда қуршовга олиш, рақибни таъқиб қилиш каби стратегик режаларни кўзлаб иш юритиши соҳибқиронга қўплаб ғалаба олиб келган”<sup>3</sup>.

Маълумки, ҳарбий қўмондонга бериладиган энг холис баҳо – унинг жангларда эришган ғалабасидир. Шу нуқтаи назардан Амир Темур тарихдаги буюк саркардалар орасида алоҳида ажralиб туради. Лекин ҳарбий тарихни маҳсус мутахассис сифатида ўрганувчилар бошқа янада жиддийроқ мезонларга мурожаат этадилар. Улар олиб борилган ҳар бир жангни геосиёсий замин билан боғлик ҳолда у ёки бу ҳарбий юриш нима учун ғалабага олиб келганлигини атрофлича ўрганишга ҳаракат қиласидилар. Шу боис, Амир Темур барча давр буюк ҳарбий қўмондонлари орасида муҳим ўрин эгаллади.

Буюк саркарда сифатида Амир Темур ўз жангчиларини доимо жанговар ҳолатда тутган. Душманини қаттиқ таъқиб қилиб бориш 30 ёшли Амир Темур учун улкан салтанат тузишга имкон беради. У жангга узоқ тайёрланиш орқали тез, шиддатли ҳужум уюштиришни афзал билган. Нотўғри ҳолат, вазиятда мингта жангчи билан тургандан кўра, ўнта жангчи билан тўғри ҳолат, вазиятда турган маъқул, деб ҳисобларди Амир Темур. “У шаҳарни қамал қилганда, шаҳар девори орқасида ҳеч қачон кутилмаган ҳолатга тушиб қолмаган. Кейинчалик Наполеон куч жиҳатдан анча ортиқ бўлган душман билан тўқнашувда ҳимоя учун яшириниш имкониятини ахтаришнинг умумий тамойили «қалъа тақдирига ишониб интилишдир”<sup>4</sup>, деб айтган эди.

---

<sup>3</sup>Негматов Б.М. Ўзбекистонда ҳарбий ишлар тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010, 22-бет.

<sup>4</sup>Негматов Б.М. Ўзбекистонда ҳарбий ишлар тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010, 76-бет.

Ҳарбий хизматчиларда жанговар рухни юксалтириш Амир Темурнинг шахсий жасорати таҳсинга сазовордир. Амир Темурнинг жангларда кўрсатган мардлиги унинг дўстлари ва душманлари орасида ҳам катта обрў қозонишига олиб келган. Унинг куч-қудрати ва чидамлилиги ҳам кишини лол қолдиради. У амалга оширган узоқ муддатли ҳарбий юришлар аслида буюк давлатчиликни яратиш ва унинг фаровонлигини таъминлаш мақсади билан йўғрилган. Ҳатто ҳаётининг сўнгги йилларида ҳам Амир Темурда ғайрат-шижоат тўлиб тошганини кўрамиз. Анқарада Боязидга қарши олиб борилган машхур жангни бошқарганда у 70 ёш атрофида бўлган. “Амир Темур ҳарбий санъат устаси ҳам бўлган. У Тўхтамишни енгиб, Олтин Ўрдани зabit этиш учун унчалик ҳам меҳмондўст бўлмаган шимолий чўллар ичкарисига кириб борган”<sup>5</sup>.

Амир Темурнинг ҳарбий жасоратини таҳлил қилиш асосида, биз у ташкил қилган қудратли ва интизомли қўшин жаҳоннинг ўша вақтдаги энг илғор қўшини сифатида кейинчалик буюк саркардалар, ҳарбий мутахассислар, тарихчи олимлар томонидан эътироф этилганлиги ва бир неча асрлардан буён андоза вазифасини бажараётганлигига амин бўламиз. Унинг сипоҳ ҳақидаги таълимоти ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ ва уни давлат бошқаруви ҳамда ҳарбий таълим муассасаларида чуқур ўрганиш, амалиётда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
2. Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ, 2018. 97 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қуролли Кучларни ривожлантириш борасидаги ишларни сарҳисоб қилиш, янги вазифалар белгилаш /Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилишидаги маърузаси. [www.gazeta.uz.xavfsizkik-kengashi.2021](http://www.gazeta.uz.xavfsizkik-kengashi.2021).
4. Негматов Б.М. Ўзбекистонда ҳарбий ишлар тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010, 22-бет.

<sup>5</sup>Негматов Б.М. Ўзбекистонда ҳарбий ишлар тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010, 24-бет.

5. Шохакимов А.Р. Ҳарбий хизматчиларда миллий рухни юксалтириш омиллари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2022.